

СУРАТДА: назоратчи маъруф Эгамбердиев (уртада) тадбир
корлар Жамолитдин Низомитдиниов ва Санжар Расулов билан.

ЖАЁТ

ВА

ЖУҚУҚ

№8

● Карор ва ижро

НАҚД ПУЛ

ТУШУМИ ҚАЧОН КЎПАЯДИ?

Кейинги вақтларда Қашқадарь вилояти молия муассасалари, хусусан банкларида нақд пул айланиши қийинлашиб қолди. Ҳатто бюджет ташкилотларида ҳам ойлик маошлари кечиктириб тўланаётган эди. Хукуматимизнинг "Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарлиги ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори нақд пул масаласидаги бу чигалликларни бартараф этишда бирмунча имконият яратди. Ҳозир вилоятнинг барча туманларида қарор ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, бу борада Касби тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари олиб бораётган ишлар диққатга сазовор. Шу хусусда туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Барот НОМЗОВ билан суҳбатлашдик.

— Барот ака, назорат-касса машиналаридан тўғри фойдаланиш, қолверса, қарор ижросини таъминлаш борасида туманда қандай ишлар олиб бориляпти?

— Назорат-касса машиналаридан тўғри фойдаланиш жамияти учун ҳам, савдо ходими учун ҳам фойдалан ҳоли эмас. Агар савдо ходими назорат-касса машинасида қўйилган нақд пул билан нақд пул тушуми кўпаяди. Бу билан ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари, пенсия ва нафақалари ўз вақтида берилиши таъминланади.

Туманимизда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилувчи тадбиркорлар 85 нафарни ташкил этади. Шуларнинг барчасида фискал хотирасига эга бўлган назорат-касса машиналарини ўрнатилиши эришдик. Инспекцияимиз ходимлари қарор эълон қилинганда сўнг нақд пул билан ҳисоб-китоб қилувчи ҳар бир тадбиркорга эслатма тарқатди чиқиди. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари тўғри ташкил этилган бўлиб, барча ишбилармонлар савдо дўконларида, хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида тўлиқ назорат-касса машиналарини ўрнатиди.

— Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда қарор талаби бўлиши ҳолатлари ҳам қузғинаётганми?

— Албатта. Айниқса, бундай ҳолат умумий оқватнинг корхоналарида кўпроқ содир этиляпти. Фикримиз аниқ далил-исбот билан давом эттирай: "Ғани ота" чойхонаси тумандаги "Нақшб" хусусий корхонасига қарашли. Бу ерда мижоз талабига мос мазаги таомлар тайёрланади. Шу сабабли назорат-касса машинаси бўла туриб ундан фойдаланишни унутиб қўйишляпти. Масалан, бош ошпаз Абдукарим Саломатов ҳисоб-китоб вақтида назорат-касса машинасини иштатмасдан мижоздан нақд пулни жарақлатиб санаб олаётган вақтда солиқчилар қўлига тушиб қолди. Тўғри тўсатдан қўлга тушиб қолган бош ошпаз оҳ-вҳ қилиб ўзини ҳар қўлга солиб қўрди. Бирок унинг найранглари ўтмади. Солиқчи ушбу ноқонуний ҳолат юзасидан ҳужжатларни расмийлаштирди. Оқибатда "Нақшб" хусусий корхонаси энг ҳам иш ҳақининг 100 баравари миқдорда, яъни, 453 минг 500 сўм молиявий жаримага тортилди. Худди шунингдек "Шифокор" савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига қарашли "Шифокор" ошхонаси бош ошпаз Абдулқўриқ Хўжанов ҳам иш вақтида назорат-касса машинасини иштатмасдан мижоз билан ҳисоб-китоб қилётганда тушунганидан илҳири. Бу ҳолатга ҳам солиқчилар етарли баҳо беришди. Тўпланган ҳужжатлар савдо ва ишлаб чиқариш фирмасини юқоридагидек энг ҳам иш ҳақининг 100 баравари миқдордаги молиявий жарима тўлаши лозимлигини тасдиқлади. Кези келганда айтиш керакки, фаолиятимизда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилувчи йирик корхоналарда ҳам мазкур қарорнинг талаби кўпол равишда бузилаётгани аниқланмоқда. Масалан, тумандаги 88-ошхона ҳисобдорлик жамияти ҳазиначиси Бобомурод Тантриев йўловчиларга автотранспорт хизмати кўрсатишдан тушган нақд пул тушумини инкассацияга топширмасдан ҳамда назорат-касса машинасига туширмасдан фаолият кўрсатаяётганлиги фош этилди. Сертак солиқчиларимиз бу ноқонуний фаолиятга ҳам ўз вақтида нуқта қўйишга муваффақ бўлишди. Аниқланган ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар жамиятга қимматга тушди: 453 минг 500 сўм пулни давлат бюджетига тўлашга мажбур бўлди.

Юқоридагидек, ҳолатлар савдо шаҳобчаларида ҳам содир этилмоқда. "Дилшоҳ" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига қарашли 1-сонли дўкон мудир Гулнара Жумаева назорат-касса машинасига кирим қилинган 64 минг 683 сўм нақд савдо тушумларини ўз вақтида инкассацияга топширишга йириб қўлганлиги учун 64 минг 683 сўм миқдорда молиявий жаримага тортилди.

— Барот ака, билансиз ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган ҳар бир қарор ҳалқимизнинг бугун ва келажатига хизмат қилади. Шу жумладан бу қарор ҳам. Айтингчи, шу кеча-қўнғузда харидор савдо дўконидан махсусот олаётганда нимага эътибор қилиши керак?

— Биринчи навбатда дўкондан нарсани харид қилгандан сўнг агар сотувчи чек бермаса уни ўзи талаб қилиб олиши лозим. Чунки чекда савдо дўкони номи, махсусот сотилган кунин, йили вақти ва суммаси аниқ-тинч ёзилган бўлади. Бу ҳам харидорга асқотлади. Масалан, бир харидор савдо дўконидан қўйлақ сотиб олди дейлик. Агар бу қўйлақ унга торлик қилса, ўша савдо дўконидан чек билан бошқасига алмаштириши ёки нақд пулни қайтариб олиши мумкин. Агар харидорнинг қўйлақ чек бўлмаса, ортқиқа оловарчиликка мубтало бўлади. Негаки, дўкон сотувчисини осонлик билан сотган махсусотини қайтариб олмайд. Қўлингизда қонуний ҳужжат, яъни, чек бўлганига сотувчи сизга ортқиқа эътироз билдира олмайд. Бундан ташқари, назорат-касса машиналарининг ҳар бир дўконда ўрнатилгани нақд пул эмиссиясини қўқсқартилади. Банкларида нақд пул айланиши яхшиланиб, бюджет муассасалари ойлик маошларини ўз вақтида тўлайди. Яна бир жиҳати сотувчига ҳам қўлай. Негаки, қўнунларимиз уларни аяб ўтирмайд. Йиллар давомида йиққан-терган даромади зумда жаримага айланиб, давлат ихтиёрига ўтказилмайди. Бунинг ҳеч ким унутмаслиги лозим.

Суҳбатдош:
Комил САХАТОВ,
"Адолат" мухбири.

ТЎЛОВ ЎРНИГА АЛДОВ

"Денов Ипак" масъулияти чекланган жамиятнинг бундай иш услубига қачон чек қўйилади?

Пилла-тилламиз, бебаҳо бойлигимиз дейиниз. Чунки пилла ҳўжалиқдорнинг тўғри ҳисоли ҳисобланади. Шу тариқа эрта баҳордан мўл ҳисол, юқори даромад олиш учун меҳнат қилинади. Албатта, қисқа муддат ичиде юқори даромад олиш учун уйқусиз ташвиш чекиб, меҳнат қилинади.

Ҳар йили пилла урувларини тарқатишда "Денов Ипак" масъулияти чекланган жамият билан ҳўжалиқдор ўртасида шартномалар тузилади ва бу асосда иш олиб борилади. Чунки бир қўти пилла урувини боқиб учун дастлаб 1,5-2 кўлар-метр жой зарур бўлса, кейинчилик у кенгайтирилиб сўнги ёшда боқиб учун 60-70 квадрат метр жой ҳам торлик қилиб қоплиши.

Албатта бир қўти пилладан 60-70 килограмм сифати пилла олиш учун 6-7 киши кетаю-қўнғу ээти чеклади. Чунки белгиланган ҳисоли олиш учун чамаси 45 кўн тинимсиз меҳнат қилинади. Ана шу даврда "Денов Ипак" масъулияти чекланган жамият томонидан бирор ғамхўрлик қўрмайсиз. Улар дастлаб катта-катта вадалар беришди. Кейинчилик ҳисолини йиғиштириб олган алдашга ҳаракат қилиб, меҳнат ҳаққини беришдан беш тортишди.

Лекин отаиша раҳмат ҳўжалиқ раҳбариятининг, улар пилла пар-

варчили даврида дастлаб 3 минг сўмдан пул, 5 килограммдан пахта ёки, кейинчалик эса меҳнат ҳаққига 50 килограммдан бутдой ҳамда ҳар бир пиллачи оилавий пулатчиларга эа 0,20 сўмдан ҳар мейдони бериб раҳматлаштириб келдилар.

Лекин "Денов Ипак" масъулияти чекланган жамият раҳбариятининг томошабан сифатида ўзини четта олиб турилиши ҳамда шартнома шартларини кўпол равишда бузилиши нима билан изоҳлаш мумкин?

Мана пилла режисини бажарилиганга беш ойдан ошляпти. Аммо пилла пулидан дарак йўқ. Масъулияти чекланган жамият эса ҳўжалиқлар пиллакорлар ҳаққини қайтариш ҳақида ўйлаб ҳам қўрмайсиз. Қарздорлик эса йил сайин олиб кетмоқда. Ҳўжалиқлар кўнма аз қилишини билмай қайрон. Шу тариқа масъулияти чекланган жамият 2002 йилдан 2464436 сўм, 2003 йилдан 3904795 сўм, яъни, ҳам 6369231 сўм пилла ҳаққини бермай аллаб келаяпти. Ҳўш, масъулияти чекланган жамият пиллакорлар ҳаққини қачон тўлайди?

Ўрол БЕКМУРДОВ,
Сурхондарь вилояти
Денов тумани
Ш.Қўблов номи ширкат
ҳўжалиғи.

Тошкент вилояти Паркент тумани прокуратураси, Ички ишлар бўлими ва жиноий ишлар бўйича туман судининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.



—Қонун устуворлигини таъминлаш, ҳўқуқий ислохотларни изчил амалга ошириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш олдимизда турган энг муҳим вазифалардандир, — дейди туман прокурори Бекмурод Фориков. — Ҳамкорлик умумий ишчимизнинг яхшиланishi-га йўл очмоқда. Суд ва милиция билан биргаликда ҳалқ орасида кенг тушултириш ишларини олиб бораёلمиз. Учрашулар, фойдали мулоқотлар ўтказаямиз. Уларда одил қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойилларига йўналтирилганлиги ҳаммага батафсил тушултирилмоқда. Ҳа, ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ҳўқуқ кўп. Паркентда олиб борилаётган бугунги ишлар бунинг ёрқин далилидир.

СУРАТДА: туман прокурори Бекмурод Фориков (ўртада) жиноят ишлари бўйича туман судининг раиси Шўхрат Шарипов ва туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Умарбой Умирбеков билан маҳаллаларда бўладиган навбатдаги учрашувага ҳозирланишляпти. Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

СОЛИҚЧИЛАР

АНЖУМАНИ

Солиқ ва боғхона идоралари академиясида "Солиқ органлари тизимидеги кадрларга тайёрлаш таълим жараёнига янги технологияларни жорий этишнинг илмий асослари" мавзусида анжуман ўтказилди.

Мазкур ўқув дарғсотида ҳар йили 2,5 мингдан зиёд мутахассислар малака ошириб, қайта тайёрларикдан ўтчилад. Ушбу таълим муассасида ўзига хос илмий ҳодимлар жамоаси шаклланиб бермоқда. Жамонинг йил давомида олиб бораган ишчиликлар, солиқ тизими учун тавсия этаётган лойиҳалари ҳам ҳалқаро анжуман мухокамасига қўйилди.

Вилоятлардан таширф бу юрган мутахассислар, олий ўқув юртилари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан мулоқотларда соҳадаги муаммоларни илмий ёчимлири ҳақида фикр алмашишди. Академия олимлари томонидан олиб бориладиган илмий ишлари йўналтирилган ҳамда ёзилган лозим бўлган дарслик ва ўқув қўлланмалар аниқлаб олинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг равнақида қишлоқ ҳўжалиғи муҳим аҳамият касб этади. Унинг тарраққийтини эса фермер ҳўжалиқлари фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Бугун фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш, улар фаолиятини такомиллаштириш давр талабига айланмоқда. Фермерларга яратилаётган имкониятлар туфайли ер билан тиллаша оладиган оддий деҳқон мулкка эгаллик ҳиссини англади.

Яна бир жиҳати меҳнатни қадрлайдиган кишиларнинг қосаси оқарди, дейиш мумкин. Бунинг бугунги кунда ҳўқуқимизнинг орден-медаллари билан тақдирланганлар орасида ўнлаб фермерлар борлиғи билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ёки чет элда тажриба алмашиб, малака ошириб қайтаётган фермерларни айтмайсизми... Жорий йилнинг 27 октябрида Исрол Каримов томонидан "2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги қабул қилинган Фармон ҳар

● Муносабат

ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

бир фермернинг зиммасига катта масъулият юкляпти.


Сирасини айтганда, инсоний тўйдирадиган ҳам, уни моддий жиҳатдан таъминлайдиган ҳам ер. Мазкур фармонда ер билан самарали фойдаланиш, ўзаро ҳисоб-китоблар, фермерлар учун янгидан ташкил этилаётган инфратузилмаларга имкониятлар бериш, шу орқали мулкдорларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилган.

Фермер ижарага берилган ердан мақсадсиз фойдаланасан, пахта ёки галла ўрнига бошқа экинлар экса, шартнома шартларини бузса, жавобгар бўлиши Фармонда алоҳида эътироф этилган. Эндиликда ер майдонларини ижарага бериш ҳақидаги туман ҳўқимининг қарори вилоят ҳўқимининг бошчилиғидаги ер майдонларини ажратиш ёки сотиш масалала-

рини қўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг қўнға кириши ҳам ернинг ҳақиқий эгасига топширилишига имкон яратлади.

Фармоннинг 8-бандида "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиғи, Деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ҳўқимликлари билан бирга республика ҳудудларида фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини нафақат сон жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам янги босқичга қўтаради."

Максуд МУХАММЕДОВ,
Бухоро вилоят деҳқон-фермер ҳўжалиқлари уюшмаси бошлиғи.



ри ҳамда суд ижроси қонуний талабларига амал қилмаганликларини учун уларга нисбатан жарима жазоларини қўллашга мажбур бўляпти. Жумладан, Навоий тумани суд ижрочилири томонидан вилоят ҳўжалиқ судининг бир неча ижро ҳўжатлари бўйича қарздор Навоий туман "Наврўз" ҳўқик ҳўжалиқ бошқаруви раиси ва бош ҳисобчисига нисбатан энг ҳам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорда, жарима қўлла-нилиб ундирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги "Судлар ва Адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш чоралари ҳақидаги қўртамасига асосан пул тушумларининг ўз вақтида тушурилиши ва тегишли тартибда солиштиришга таққослов ўтказишда йўл қўйган ҳолат камчиликлари учун Қарман туман "Халқ банки" бошқаруви ва бош ҳисобчисига нисбатан ҳар бирига энг ҳам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорда жарима қўлланилди.

Бахтиёр Сайфиевни иш ҳақинида бирор дақиқа ҳам ором олиб ўтирганини қўрмайсиз. У қўл остидаги ҳодимлари билан суд ва бошқа органлар қарорлари ижросини қонуний равишда, ўш мuddатда тўлиқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида тинимсиз жон қуйдираётганининг ғувоҳи бўласиз. Мабо-до, бу ҳақда у билан суҳбатлашиб қўлгудек бўлсангиз, "Давлат пулки дахлсиз, унга қўз олайтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Биз ижрочилар эса қўнғуна ҳилоф иш тутганларга нисбатан кураш олиб бормоғимиз лозим", — дейди.

Бахтиёр Сайфиев жамоат иши учун ҳам қўнғуяр ва фидокорлар тоифасида. У ишдан беш вақтлариде Навоий шаҳар маҳаллаларида бўлиб, суд-қўнғуна соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тушултириш ишларини олиб боради. Яна шунинг айтиш жоизки у оила-да меҳрибон ота ҳамдир. Фарзандларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб келмоқда. Қизлари — Умид, Шохиде ва Шаҳлолар Республикаимизнинг турли олий ўқув юртиларида тахсил олишляпти.

Ота-онадан эрта айрилиб, ҳаёт ташвишларини ортада қолдирган Бахтиёр бугунги кунда ўзини Бахтиёр инсонлардан бири деб билиди.

Аскар ЖАЛИЛОВ,
"Адолат" мухбири.

ҲЎҚУҚИНИ БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ



Биз ўзбек судьяларининг қарашимиз битта: ҳўқуқий маданиятни юксалтириш бугуннинг энг муҳим масаласи. Зеро, ҳеч биримизнинг атрофда кечайтган воқеаларни кўрмасликка, эшитмасликка ҳаққимиз йўқ, аксинча, бу воқеалиқлар энг аввало бизнинг кўз ўнгимизда баҳоланиб боради. Бирок шунда ҳам бизни қийнаётган ўйлар мавжуд қонунларимизнинг шакли шамойили эмас, балки мазкур қонунларнинг асл моҳиятини жамиятнинг ҳар бир фуқароси ҳали-ҳануз тўлақонли ўзлаштиришга қиршиб кетолмаётганидир.

Аммо нима бўлганда ҳам ортимизда қолган ўн икки йил ўз қаддимизни анча тиклаб олишга замин ҳозирлади. Зотан, ҳалқимизни катта фаолиятга ундаган мустақиллик бу йилларда чинакам имтиҳон вазифасини ўтади.

Ҳўш, мустақилликда биз қандай ҳизмат қилмоқдамиз?

Иқтисод, маданият, маориф, тил соҳаларида ўз фикру қарашларимизни бир бошдан тоблаб олдик. Бу соҳаларнинг ҳўқуқий асосини яратди. Эътиборини, ҳар бир жа-ҳа шак-шўбҳасиз қонун устуворлигини тан олди ва аниқ пайтда қонунлар соҳаларини ривожлантирувчи, йўналтирувчи, тақсимловчи меҳани эканлиғи жамиятимизнинг фаол аъзолари томонидан ўзлаштирилиб унгурилди.

Бу йиллар давомида ҳар бир ҳудудда муайян тартибда ҳўқуқ-тартибот органларининг фаолияти яхшиланиб борди. Чунки вақт ва замоннинг ўзи ҳўқуқ ва тартибот органлари фаолиятини ислох этишни ўртага қўйган эди. Инчунун, бу даврда Суд тизими ҳам тубдан ислох қилинди. Одил судлов ишида бир қатор янгиликлар вуқудга келди.

Кези келганда таъкидлаш керакки, ҳаётнинг ўзи фуқароларнинг олдиға янги талабларни қўйди. Тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътибор қўчади.

Уларнинг фақат ҳақ-ҳўқуқлари элпарвар қонунларимиз билан тўлиқ ҳимояланди. Оддий қилиб айтганда, тадбиркорнинг бугунгиҳали ҳўқуқий асосини эгаллаганича бошидан қўп қийинчиликлар, табиий ва сўнғий тўқсиларни енгиб ўтишдек жараёнлар кечди. Аммо ғамхўр ҳўқуқимиз бу жараёнларда ҳар бир соҳа қи-сисини қатор қатор ва фар-моийшлар орқали қўллаб-қув-ватлаб тургани сир эмас. Бу ҳол ўз навбатида бугунги ҳўқуқларга йўл очди. Бирок...

Бирок биз айтиб ўтган жараёнларнинг асл иштирокчиси инсон ва бундан келиб чи-қадиган масала ҳам аниқ ана шу инсон — сиз-у бизнинг манфаатларимиз турганлиғини унутмаслик лозим. Зеро, кишининг ҳиссий идрокки, ақлий тафаккури энг аввало маълул манфаатларга етак-лайди. Бу ҳатто кези келганда қатъий қонун меъёруларини бу-зилишига олиб келиши ҳам мумкин. Лекин бу деганимиз хато қилган одам кечирилмас-ликка маҳкум дегани эмас. Агар киши ўз ҳатосининг оқибатларидан эзилса, афсу-ланса, шунинг ўзи яхшилик сари босилган қадам. Демак, кечирилмиллик ҳам фарз. Аммо қандай қилиб?

Шак-шўбҳасиз "Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаёт-ға тадбиқ этилиши биз юқори-да эслаб ўтган муаммолар ечимининг қалити бўлди. Аммо ҳаёт деганларни бир қилип эмас, унинг турли йўриқлари бор. Бирор қилган хато чин-данда билмасдан қилинган, кечиримга лойиқ бўлади. Ле-кин бошқа бировнинг ҳатоси манғу ғуноҳдан да баттарок бўлса, не ажаб. Зеро, қонун олдида ҳамма тенгдир. Бу фу-қаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда ҳам қўзға ташланади. Йил да-вомиде жамоамиз томонидан қўриб чиқилган турли 4432 та судлов ишидан 3711 таси ўзи-нинг ижобий баҳосини олди.

Биргина фақаролик ишлари бўйича Денов туманларо-судининг иш фаолиятиға на-ржа ташлайдиган бўлсак, 9 ой ичиде фуқаролардан келиб тушган 1502 та даъво ариза-сидан 1213 тасини ижобий ҳал этилган.

Маълумки, давр биздан маҳаллаларда, оилаларда, умуман, одамлар орасида кўпроқ бўлиб, суҳбатлар ўт-казиш орқали фуқароларнинг

ҳўқуқий онғи ва маданияти-ни оширишни тақозо этмоқ-да. Бу борада олиб бораёт-ган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бераптир. Кей-инги пайтларда фуқаролар-дан келиб тушайтган даъво аризалари бирмунча камай-ди. Масалан, ишға тиклаш билан боғлиқ бўлган даъво аризалари 2002 йил 9 ойда 115 тага етган бўлса, 2003 йилнинг шу даврида 88 тага ташкил қилди. Шунингдек, мулкий ҳўқуқ бўйича 2002 йилнинг 9 ойда 286 та даъ-во аризаси қўриб чиқилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 9 ойда 95 тага, "омонат" ундириш 516 тага борди. Утган йилға қараган-да никоҳни бекор қилиш, мулкни рўйхатдан чиқариш бир мунча камайди.

Аммо бу йил уй-жойдан мажбурий тартибда қўчириш билан боғлиқ даъво ариза-лари кўпчиликини ташкил қил-ди. Сабаби, аҳолининг уй-жойға бўлган талаби ошиб бораётганидан фойдаланиш-ға уринган баъзи фуқаролар сўнғий бойиш йўлида ким-нингдир ишончига кириб олиб қўнғилхалиқларни келтириб чиқармоқда. Шун-дай мисоллардан бириға Ан-гор туманидаги Ат-Термизий қўнасида жойлашган 84-2-уй-нинг 3-хонадонидеги уй-жойға эгаллик ҳўқуқи бўлган Норхол Жумақулваннинг Ши-рин Қўлсотоваға нисбатан даъво аризасини келтириш мумкин.

Тахлил чоғида шу нарс-аён бўлдики, мулк эгаси Нор-хол Жумақуллова уй дафт-ар-часига фарзандларининг исми-шарифини тиркаб қўйган, аммо унинг ўзи ҳам фарзандлари ҳам бу уйда яшашмаган. Аксинча, уйни фуқаро Света Бойжонова ижарага берган. Света Бой-жонова эса 1997 йилнинг 27 июнида мазкур уйни Ширин Қўлсотоваға 110 минг сўмға сотиб, "Қайдасан она Рос-сия" дея ҳўнаб қолган. Ши-рин Қўлсотова бўлса шун-дай арзон-гаров уйға эға бўлгандан хурсанд ҳолда ушбу уйда ашай бошлайди. Қўнунларнинг бирида Норхол Жумақуллова уйға ижара ҳақини сўрагани келса, уйда Света Бойжоноваға эмас, нотаниш аёлға дуч келади. Табиийки, жанжал-тортишув-лар судчага етиб боради.

Шеробод туманларо фуқаролик суди Норхол Жу-мақулваннинг даъво аризаси-ни атрофчиқа қўриб чиқиб, адолатни қарор топтирди. Давоғар ҳақ бўлиб чиқди. Мулк эгасига қайтарилиди. Ширини Қўлсотова уйдан мажбурий тартибда чиқари-ди. Унга Света Бойжонова-ға нисбатан пулни ундириб олиш тўғрисида судға даъво ариза қўзғатиш ҳўқуқи бор-лиғи тушултирилди.

Яна бир мисол: Термиз туманларо судининг 2003 йил 16 июлдаги судлов иши-ға бир назар ташлайлик. Маълум бўлишича, Термиз шаҳар, Алишер Навоий қўна-си, 48 "В" уй 29-хонадон Тер-миз гарнизонидеги уй-жой-дан фойдаланиш қисми та-сарруфида бўлиб, бу уйда Улугбек Ҳақназаров яшаб қелган. У ҳарбий қисмдан бўшаҳа, уйни топширмас-дан ғайриқонуний тарзда Мавлуда Давлатоваға 350 минг сўмға сотиб юборади. Суд Мавлуда Давлатоваға Улугбек Ҳақназаровдан 350 минг сўм пулни фози билан ундириб бериш мумкинлиғи-ни, бунинг учун янги даъво иши қўзғатиши зарурлиғини тушултириб, уни уйдан чиқар-ди. Қўриниб турибидеки, фу-қароларимиз ҳали ҳам етар-ли ҳўқуқий савяға эға эмас-лар. Ҳолбуки, ҳўқуқини бил-ган киши асло кам бўлмай-ди, ҳеч жойда панд емайди.

Ҳўжамурод ТОҒАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарь вилоят судининг раиси.

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАКДИМОТИ

Миллий матбуот марказида "Муносиб" фильмининг такдимот маросими бўлиб ўтди.

Журналистлар иштирокида ўтган ушбу тадбирда фильм ижодкорлари ва бош қаҳрамонлари иштирок этишди. Фильм режиссёри ва бош қаҳрамони "ота" ролини ижро этган атоқли актёр Лутфулла Саъдуллаев "Муносиб" фильмининг яратилиш тарихи ҳақида йиғилганларга баътафсил хикоя қилиб берди. Шундан сўнг журналистлар кино ижодкорларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Такдимот сўнггида фильмининг премьераси бўлди.

Фильм "FAYOZ FILM" кино-видео студиясининг илк маҳсулотидур.

Унда таниқли актёрлар билан биргаликда кино соҳасига эндиgina қадм қўйётган актёрларнинг иштирок этгани унинг таъсирчанлигини оширган. Жумладан, таниқли хонанда Илҳом Фармонов ҳам ўзига юктанган бош ролини маҳорат билан ижро этган.

Шерали ОТАБОВЕВ,
"Адолат" мухбири.

ЛУКМА ТАРБИЯНИ КИМДАН ЎРГАНАМИЗ?

Ҳадиси шарифларда шундай дейилган:
"Ҳаё иймондандур,
иймон жаннатда".

Азал-азалдан маълумки, аёлларга ибод-ҳаё, ор-номус ва ифрат ҳос хусусиятлар саналган. Майли, олис мазоини қўя туриб, нигоҳимизни Абдулло Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романига қаратсак. Негаки, романдаги Қумушбиди, Офтоббойим ёхуд қайси аёл образини олсак, уларда шарқ аёлларига хос бўлган хусусиятлар намоён бўлади. Ҳаттоки Зайнаб ҳам қанчаллик ичи қора, бахил бўлмасин, беҳаё эмасди.

Ҳозирги кунда эса мода ортидан қувийш, ёхуд "ким ўз-р"га кийиниш расм бўлган. Қўча-қўйда-ку уларни тартибга келтириш, одобга чақириш мушкул масала. Қанинча олий ўқув юртиларига диққатингизни қаратсак. Билим даргоҳларининг дарвозасидан кириб бора экансиз, баъзан талаба билан ўқитувчини, йигит билан қизни ажратиш амри-маҳол. Фикримча, бундай талабалар ўқув юртига қилиб олиш учун эмас, гўё ўзларининг эғнидаги энг охириги модани кўз-қўз қилгани боришди. Дарс давомида ҳам улар бирор ўқитувчи ўтган мавзунини эмас, юзларидаги ранг-баранг бўёқларни, телевизорда намоёни этилаётган энгил-елли телесериалларни муҳокама қилиб, олтидан қиммат вақтини беҳуда ўтказишади. Шунингдек, олий маълумотли туппа-тузук, эсли-хушли ўқитувчи аёлларнинг ўзига но-муносиб либосларни кийиб олганига нима дейсиз?

Мени бир нарсга ажаблантиради: нахотки, шу каби олий ўқув юртилари, коллеж, лицей ва мактабларга мутасадди ташкилотлар бефарқ бўлсалар?! Нахотки, шундай илм даргоҳларига замонавий (ажнабий эмас) кийимни маданийга хос умумий "форма" жорий этишни ўйлашасанлар?!

Ҳеч бўлмаса ўқитувчилар ўзларини талаба-ўқувчиларга ибрат қилиб кўрсатишса бўлмайми? Ахир, тарбия берувчининг ўзи одоб-ирма, ҳулқи, феъл-атвори билан ўрнак бўлмаса, унда тарбияни кимдан ўрганамиз?

Нодира САИД АЗИМ



Ёшлар овози

ОҲАЖОҲИМ

Мен доимо бахтлиман,
Яшайман чўнг аҳд билан.
Оллоҳга шукр дейман—
Менинг сиздай онам бор.

Орзуимга бўйлайман,
Ҳечам хафа бўлмайман,
Завқ оламан ҳаётдан,
Чунки сиздай онам бор.

Жондай азиз синглим, укам,
Бегонадир ғам-алам.
Йўламайга ташвиш ҳам,
Чунки сиздай онам бор.

Ўғлим кучга тўлсин деб,
Ҳамма ҳавас қилсин деб,
Хуқуқшунос бўлсин деб—
Орзу қилган онам бор.

Дониёр МАХМУДОВ,
талаба

КАРИЯЛАР ЧОЙХОНАСИ

Яккабоб қўрғонидagi Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Салим Абдуҳалимов савоб ишга кўл урди. У ўз ҳисобидан бунёд этган 50 ўринли чойхона кариалар ихтиёрига топширди.

Чойхона шинам қилиб безатилиб, кариаларнинг бир пиёла чой устида кўнглили хордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда ҳафтанинг чоршанба кунларида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Кўни-кеча ўзининг юз ёшини қаршилаган, туман иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган Бекмурод бобо Шомуродовнинг табарруқ ёши нишонланди. Бекмурод бобо ўз ҳаёти йўли ҳақида ёшларга сўзлаб берди. Шундай тадбирлар чойхонада тез-тез ўтказиб турилмоқда.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Муҳтожлар дуосига келсак, бундай кишилар 72 томири эғиллиб, бошига тушган оғир фожиа ва мусибатлар туйғултирибди. Оймома юздўзлар ботида сўзиб юрибди. Тогдан асётган майин шабада дилларни қитқилди. Танти табиатнинг бу ошфта лаҳзалари кўнглиларда алланечук ҳис-туйғуларни уйғотди. Ҳаётга бўлган иштиёқ, яшаш завоки шунчалар тоғлики, бу ҳолатни шу онда изҳор айлашга диллар оғизлик қилади.

Эзгу ниятлар тилаб,

дуо ўқулур...

Керага тоғ этагидagi Чинор кишлоғи. Сокин ва салкин оқшом кўнган пайт, Мусаффо осмонда юлдўзлар қарақлаб турибди. Оймома юздўзлар ботида сўзиб юрибди. Тогдан асётган майин шабада дилларни қитқилди. Танти табиатнинг бу ошфта лаҳзалари кўнглиларда алланечук ҳис-туйғуларни уйғотди. Ҳаётга бўлган иштиёқ, яшаш завоки шунчалар тоғлики, бу ҳолатни шу онда изҳор айлашга диллар оғизлик қилади.

Кишлоқ одамларининг кизик одатлари бор. Улар ҳар кеч бир кишининг уйда тўп-ла-ниш, навабати билан гаштак ўтказадилар. Ўзларича, буни гурунғ ҳам деб аташадилар. Бизнинг аёни кўнимиз учун эса, буни маърифий-тарғибот сўхати деса ҳам бўлади.

Бу кеч Ҳайбатилло бобонинг уйига тўп-ла-нишларнинг ёши, касби-кори турлича бўлса-да, сўхбат мавзунини ҳар галгидек полвонлик, кўпқари, овчилик, деҳқончи-

кўрғанликлар, хатто қора ёлдор илоннинг серка шохиди ўралиб турганини айтиб беришди.

Кишлоқ одамларининг дунё-қараш, фикр юритиш доираси кенг, мушоҳадаси бой бўлади. "Марказ"дан борган шаҳарликлар улардан кўндан-кўн янгиликларни, хатто халққаро ҳаётга боғлиқ ўзгаришларни ҳам эшитиб, хайратга тортиб кетади. Улар газеталар, журналларни кўп ўқишади. Радио тинглашади, "ойнаи ҳақон"ни кўришдан қарчашмайди.

Ҳайбатилло бобонинг уйидagi бугунги гурунғ узокка қўзилди. Чунки сўхбат мавзунини оқшомнинг хосиятига бў-ғулиб кетди. Зеро, кўндан кўп фикр чиқди, деганлари рост экан.

— Омонбой урушга кетаётганида кишлоқ оқшомларининг ва ота-онанинг дуосини олиб кетгани учун ҳам биз ил қабохати ўрушдан эсон-омон кишлоғимизга қайтиб келган экан, — дейди Раҳмат бобо.

— Муслмончилиқда бар-

ка эзгу ишларнинг бошида дуо олишлик туради. Дуода ҳикмат кўп, — дейди Барот бобо.

— Отам ҳажа бормоқчи бўлганларида Тошмат бобом: "Ота-онанинг дуосини олишдан ташқари, яқинлари ва қишлоқ-дўшларнинг ҳам дуосини олишлик зарур, деганлар. Ҳатто ўтиб кетган аждодларимизнинг ҳам қабрини зиёрат қилиб

қилинадиган дуо, яъни лаънат ва қарғиш тилашликдир. Ҳақиқий дуо тегади, қарғиш дуодан Худонинг ўзи арасин.

— Қадимда пирнинг дуосини олишлик, уни рози қилиш-лика қирав эди, — дейди Абдурашид бобо. Авваллари шо-ғирдлар ҳам устозининг дуосини олмасдан туриб, ўзлари-ча мустақил иш бошламас эди-

лар. Мурид пирини эслаб турганидек, шогирд ҳам устознинг дуосини олиб юришлик зарур ҳисобланган. Пир ва устоз ҳар бир кишининг ота-онасидан кейинги энг азиз одамларидур.

Ахир, соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз пирлари Сайид Ба-рака ва Умар Шайхларнинг дуосини олмасдан туриб, ҳеч бир сафарига йўл олмас эканлар.

— Жуда ҳақ гапни айтди-ңиз, — дейди Тошмат ака. Ҳар эрталаб ўқишганим, ишганим, бозор-ўчарганим йўл олишдан олдин, албатта ота-онамнинг, уйдаги бошқа катта ёш-дағиларнинг дуосини олардим. Агар дуо олмасдан қиёб кет-гудек бўлсак, шу кун ишимиз бароридан келмасди. Чунки дуо бало-қазолар, ёмон назар ва суқлардан саклайди, одам-ни яхши, омадли ва бахтли бўлиб юришига хизмат қила-ди. Одамлар учрашганда ҳам, хайрлашганларида ҳам бир-бирларига эзгу ният улашиб, дуо қилишади.

— Болаларим, дуо олишлик, Оллоҳ таолони рози қилишлик-дир, — дейди Аъзам бобо, —

Халқимиз тарихи, маданияти, санъатининг томирлари шундай те-ранки, биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Салобатли, бетакрор бинолар, асори-атиқалар, ноёб санъат асари деб эътироф этилган буюмлар, жижирал, либосларни кўрганда сўзимизнинг ҳақи-гига ишонмай илож йўқ. Лекин вақт ўтиши билан ҳамма нарсга эскиради, аввалги жозибасини йўқотди.

Шу сабабли ҳам бой меросимизни кенг тарғиб қилишимиз, ав-лоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳунармандчилик, халқ амалий санъа-ти ижодкорлиги аъналарининг давом эттириб, юксалтириш ҳар бир юртдошимизнинг қалб амри бўлмоғи керак. Бугунги кунда ушбу хай-рли ва савобли ишни давом эттираётган инсонлардан бири Сан-талат ая Сиддиқова бўлди.

Онаҳон ниятда болажон, бағри кенг инсон. 11 фарзанди бўла туриб яна ўн болани асраб тарбиялаганлар. Ҳозир 54 та набира, 3 та заваралари бор. Санталат ая яна йил халқимизнинг фахрига айлан-ган асори-атиқаларни минг машаққат билан тўплаганлар. Миллий зардулик ва ҳунармандчилик оид кўпал буюмлари бор. Ҳозир уларни мамлакатимиз ҳудуди ва чет элларда намойиш этиш билан ўзбек халқини дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Онаҳон фақат кўна тарихимиз, маданиятимизга оид буюмларни тўплаш ва намойиш этиш билан шугулланмай ўзбек миллий санъа-тини ҳам асраб, бойитиб бораётган. Оилавий фольклор ансамбли тузиб, халқимиз ижоди билан кўпчилигини таништирмоқдалар.

СУРАТДА: Санталат ая Сиддиқова оила аъзолари билан хориқлик меҳмонни ўзбек санъати дурдоналари билан таништирмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Хикматли ҳикоят

ПАИНГА ИЗН БЕРМАНГ

Узоқ вақт кўришмай юрган икки шайтон тасодифан учрашиб қолишди. Қисқача салом-алиқдан сўнг семизликдан зўрга нафас олаётган шайтон дўстини сўхбатга чорлаб, бог чеккасидаги ўриндиққа бошлабди.

— Нафсий, дўстим сенга нима қилди? Озиб тўзиб кетибсан. Танимабман. Мазанг-йўқим, дейман, — дея башарасига ачингансимон тус бериб сўрабди Балойий.

— Эҳ, дўстим, сўрама, — йиғидан зўрга ўзини тўзиб ўқсинган кўйи сўз қотибди озгин шайтон Нафсий, — куним-қора. Аҳволим — ноҷор...

— Юриш-туриш туппа-тузук, кўринишдан сипо бир одамга илакишдим. Уни изимга соламан деб, адо бўлдим, дўстим, адо бўлдим. У одам ҳар бир ишдан олдин "Бисмиллоҳ" деб қўяди. "Бисмиллоҳ" Раҳмонир раҳим"ни унутармикан деб пайт пойлаб умримни елга соғураппман. У оиласини боқётган ҳалол лўк-мага шерик бўлмамман. Чўпдай бўлиб қол-ганим сабабини тушунгандирсан, энди.

— Мен эса кўриб турганингдек "ашаяпман". Яшаганда ҳам шохона яшапман. Шунчака одамга шерик тушганманки, асти қўявер. Оилада, кўчада, ишхонасида ҳам унинг кўнгли-да мен ҳукмроним.

Хатто кунфаяжун бўлишига санокли кунлар

қолганини англамайди ҳам. "Бисмиллоҳ" де-ган сўз унинг талаффузига умуман учра-майди. Икки дунёсини қўйдирётган бу одам туйғули ошигим олчи, дўстим. Менинг айт-ганимни қилсанг, у хонадонини тарк эт. Сену менга бўйсунмайдиганларни йўлдан оздириш қийин, — дебди Балойий Нафсийга далда бе-риб.

Шу пайт нуруний бир отахон невараси би-лан келиб ўриндиққа ўтираркан, болакайга насихат қилибди:

— Болам, "Бисмиллоҳ"и Раҳмонир раҳим" денг. "Бисмиллоҳ", деб қўйилган қадам фазил-ли бўлади. Лаинга изн берманг, ўғлим. Уни ихтиёрига қўйсангиз сизни ҳар қўйга солади.

Болакай доғишманд бобоси ўғитларини адо этиб "Бисмиллоҳ"и раҳмонир раҳим" дея тақоррлабди.

Шайтонлар эса нури ҳидоят шуъласидан кўзлари қамашиб қойиб бўлиб қолишди.

Қиссадан хисса: "Бисмиллоҳ"и Раҳмонир раҳим" қаломи ҳамроҳ бўлган ҳар он эзгу-лика йўғиларди. Бу мувоваққат ойда ҳам "Бис-миллоҳ" қаломиғиз, саломингиз боши бўлсин. Иншооллоҳ, шайтон ошингизга ше-рик бўлмағай.

Моҳира ШАКАРОВА,
"Адолат" мухбири.

Дуо олган одамнинг кўнгли тўқ, руҳияти доимо баян бўлади. У ўзини ҳаром ва ёмонликлар-дан тийиб юради.

Дуонинг хосияти, барокоти ва фазилатлари ҳақидаги бу тоғ қишлоғи боболарининг фикру мулоҳазаларини бир маънавий сабоқ тазарула қабул этмок мақбулдир. Яна шу сўх-бат чоғида бир нарсасга иймо-ним қилиб қўйин, дуо олиш-ликда қўшни ва маҳалладўш-ларнинг ҳам ўрни ниятда юк-сак бўлар экан. Илгарги замон-ларда уйлар кулфланмагани, бир-бирига ишонч юқори экан-лиги ҳақида ҳам ибратли сўзларни эшитдим.

Қариндошлардан сўнг ту-ра-диган кишилар, бу — қўни-қўшнилари экан. Улар билан ла-тиф ва гўзал муомалада бўлмо-ғимиз зарур. Қўшнилари доим дуо қилиб, Яратнадан уларга инсоф-тоғиқ тилаб юриш ло-зим. Демак, қўшниларнинг ду-осини олишлик ҳам ҳаётда омад келтириб, бир-бирларига бўлган ҳурмат-оқибатни мустах-камлайди, албатта.

Тоғ қишлоғидаги бу бир оқшомлик сўхбатдан олган ҳу-соласарини шул бўлдики, ўзи-миз ҳам, бола-чақаларимиз ва яқинларимизни ҳам доимо дуо олиб юришлик тарбиясига ўргатиб боришимиз лозим экан. Аждодларимиз бекорга дуо олиб юришликни ҳамиша одад қилмаганлар. Зеро, биз ҳам бу аънаъани давом этти-риб, мустахкамлаб бормоғимиз керак, зарур ва шарт.

Абдулҳамид
ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.
(Давоми бор).

Болалар спорти

ОИЛАВИЙ БАЙРАМ



деҳ бўлади", дегандилар. Пре-зидентимиз шунингдек, мақли-сида мактаб ва маҳалла алоқаси-ни, ҳамкорлигини янада мустах-камлаш, оилавий мусобақалар ташкил этиш муҳимлигига ҳам алоҳида тўхташган. Ана шун-дан буён орадан салкам ўн ой ўтди.

Ўтган вақт мобайнида "Ма-ҳалла" жағмармаси ва унинг жойлардаги бўлими, мактаб ва ўрта махсус таълим тизими

муассасаларида спортчи оила-лар мусобақаларини ташкил этиш аънаъа тусини олди.

— Қансиким оилада ота-она спортга иштиёқманд ва хайри-қў бўлса, фарзандлари ҳам улардан ўрнак олади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимияти ўрта махсус касб-хўнар таълими бо-шқармаси бўлим бошлиғи Са-фарбой Бобоқонов. — Шу ту-файли бошқармаимиз тизимида-ги академик лицей, касб-хўна-

коллежи ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида "Отам, онам ва мен" оилавий спорт му-собақалари уюштирилмоқда. Бу эса оилаларда жисмоний тар-бия ва спортга муносабатининг қай даражада эканлигини билиш имконини берапти.

Оилавий мусобақалар шун-чалик бахс, турнир кўринишини олиб қолмасдан, балки ўқув му-ассасаларида спорт байрами тарзида ўтказилмоқда. Кўни-кеча пойтахтимиздаги Қўйлик маиллий хизмат касб-хўнар кол-лежиде ўтказилган тадбир ҳам сўзимиз исботидир. Унда Абду-рахмоновлар, Инонқоновлар ҳамда Рўзметовлар оиласи ўза-ро бахшашдилар. Катнашчилар дастурдан ҳол олган арғимч-билан сакраб югуриш, баскет-бол халқасига тўп тушириш, копток билан югуриш, гиламда ўмбақок ошаш сингари бир

қатор шартлар бўйича қилиблар-ни аниқлашди.

— Оиламизда барча спортга ошно, — дейди мусобақа қили-би, коллеж ўқитувчиси Саид Аб-дурахмонов. — Турмуш ўртоғим кундалик бадантарбия машгу-лотларини қанда қилмайди. Ўғлимиз Нодир ўн икки ёшда. У беш йилдан буён эркин кураш билан шугулланади. Ўзим ҳам спортнинг эркин кураш тури билан шугулланаман. Республика чемпионатлари, халқаро турнир-лар катнашчиси ва совриндори-ман. Жисмоний тарбия ва спорт билан нафақат қилиб қўйин, балки аввало саломатлик учун шугулланишни оилавий шiorга айлантирганимиз. Истардимки, барча оилаларда спорт билан шугулланиш, орамизда касал-мандлар қамайган бўлади.

Эркин ХОЛБОЕВ.
СУРАТЛАРДА: Тошкент радиотехника ва автомати-ка коллежиде ўтказилган "Отам, онам ва мен" спорт мусобақасидан лавҳалар.

Шавкат АҚРОМОВ олган суратлар.

Бокс

ЧЕМПИОНЛАР КЎЧОНДА АНИКЛАНДИ

Кўчонда XII Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Рес-публикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 140 нафар "чарм қўлқоп" уста-лари рингга қичқилар.

Ўз вази тоғларидида бар-ча рақибларини енган О.На-заров (48 килограмм, Тошкент), Рафкат Зориев (51 килограмм, Қўқон), Азиз Улуғов (54 кило-грамм, Наманган), Фатма-на, Жасур Матчонов (91 кило-грамм, Тошкент) лар мамла-катимизнинг навабдиги чемпи-онлари деб эълон қилинди.

Ойдиной ШАРИПОВА.

Терговчи ён дафтарида

ТУНДА ОТИЛГАН ЎК

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Уларнинг айбини исботлайдиган далиллар етарли эмасди. Йигирма икки ёшга кирган Усмон Тошқоқ шахарчасида туғилиб ўсган, уйланган, муқаддам суд-ланмаган, қолхоз боғида бобгон бўлиб ишларди. Раис, бригада бошлиғи, таниш-билишларининг назариде бўш-баёв, айтилган ишни ўринлатадиган, чумолига ҳам озор бермайдиган йигит. Саттор ундан бир ёш катта, ҳам уйланмаган, қирлиш трестиде арматура-чи, кўпчилик назариде унинг бирон-бир номаъқул ишга қўл уришини тасаввур қилиш қийин эди. Бирок да-лиллар ўқар бўлади. Прокурор санқияси билан гу-монланувчиларнинг уйларида тинтув ўтказилди.

Тошқоқ шахарчасидаги гумонланувчи Усмон яшаб турган уйда ўтказилган тинтув чоғида "Восход" русумли мотоцикл паспорти, ҳар хил пишқоқлар олинди. Бирок жиноят жойида пошна изи қолган пойфазал йўқ эди. Уй хоналарини, оғборини қайта қўздан кечирди. Оғборда ёзилг эрқарлар тўғриси қилиб қўйилганди. Афтидан, Усмон шериги Саттор ушланми, тергов қилинётган қуллари ўзидан хавфсизлаб, туғлини яширган эди.

Туғлининг катта-кичиклиги жиноят содир этилган жойда фото-суратга олинган, шартли "16" ва "17" рақамлари билан белгиланган пошна излари билан бир хил эди. Фотосуратдаги ўн пой пошна изида майда пойфазал миҳчаларидадан бири қалқоқчаси эгилган ҳолда қўқилгани аниқ кўзга ташланарди. Усмон уйдан тоғилган туғли ўн пой пошнасида ҳам ана шундай нуқсон бор эди. Трассологик экспертиза шундай ҳулосага келди. Бу ҳулоса билан қоникмасдан фототаблица ва ёзил туғлини Тошкентдаги суд-экспертиза ил-мий-теқшириш институтига юбордик. Тадқиқот дастлабки экспер-тиза ҳулосасини тасдиқлади: қотилик содир этилган жойда қол-дирилган пошна изи айна Усмоннинг уйдан олинган ёзил туғли-га теғишли эди.

— Турти тузторга қўп борганиман, — деди гумонланувчи яна сўроқда айбини инкор қилиб. — Тузторга ҳам қарайман. Сув онгани-мизда боргандирман...

Тергов яна боши берк қўчага кириб қолганди қотилик моти-ви сабаби мавҳум бўлиб қолмоқда эди. Усмон ўлдирилган милиция ходими Азимқонни танимас, билмасди. Унинг ниҳонсиз хотини Рўқия билан ҳам ҳеч қандай алоқалари йўқ, таниш ҳам, қариндош ҳам эмасди. Азимқон ўн олиш мақсадида ўлдирилган, деган тахмин асоссиз бўлиб қичмоқда эди.

Усмоннинг оила аъзолари шахсиятини ўрганиш мобайнида бир ҳолат тезкор-тергов ходимлари диққатини тортиди. Унинг отаси — Умаржон Бўриев бир пайтлар қолхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Бригада аъзоларининг ақсарияти аёллар, қизлар. Ўн сак-ки ёшга кирган, қўқилкина қиз — Жаннатхон бригадирнинг оро-мини ўйирлаган. У етим бўлиб, кекса бувиси билан бирга турар, даъво-дотдан қиладиган, қасдлашадиган отаси, ака-укалари йўқ. Умаржон эс қуларининг бирини шийдон қоровулига жавоб бериб юборди. Кечки пайт ҳамма уй-ўйига тарқалётганда Жаннатхонни олиб қолди...

Эрталаб туни билан йиғлаб қўзлари қизарган, қовоқлари шишган Жаннатхон бувисига "бўлди, бошқа далага қиймайман", деди. Кекса бувисининг қийин-қўстиви билан бор гапни айтиб берди...

Қўл остида ишлайдиган қизнинг номунига теккан Умар Бўриев сўзлабди, жазосини ўтаган, афтидан бу ўғли Усмоннинг дилида ёмон из қолдирган. У отасига тортиб, қизларни, аёлларни эғрилаб, номунига теғиб, "лаззатланиш" эҳтимолдан холи эмасди. Худди август ойида бўлгани каби қоронғи ойнинг охирида ҳам айнан шу мақсадда "Қарамид" корхонаси қўқилгани ёнидаги тузторга жино-ий шерикларини бошлаб келган, отасини қаманган милиция ходим-ларига адоват юзага қалқиб қичиб, формадаги Азимқонни отиб ўлдирган, деган тахмин ҳақиқатга яқин эди.

Қўз ўғлида ниҳонсиз эри отиб ўлдирилган, ўзи эғриланги, қўран-ган Рўқия Жабборова орадан қарийб икки ой вақт ўтиб, дилидаги жароҳатлар бир мунча битган, энди батафсилроқ ва холисроқ гу-воҳлик бера бошлаганди. Унинг сўзларига кўра, бошқини-қотиллар уч киши эди. Қоронғу тушиб қолган, бунинг устига юзларида қи-чқилар бўлган. Милтик билан отган, уни эғрилаганининг бўйи новча, туладан келган, барваста эди. Ташқи кўриниши Усмонга ўхшаб ту-шарди. Рўқия бир неча фотосуратлар орасидан Усмоннинг расмини ажратиб кўрсатди. Лекин айнан ўшалмига ишончи қимил эмасди.